

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

УСАРОВ МАҲАМАТАЛИ КОРАБОЕВИЧ

**ҚАЛИН АНИЗОТРОП ПЛАСТИНАЛАРНИНГ БИМОМЕНТЛИ
НАЗАРИЯСИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Усаров Махаматали Корабоевич

Қалин анизотроп пластиналарнинг бимоментли назарияси..... 3

Усаров Махаматали Корабоевич

Бимоментная теория толстых анизотропных пластин 28

Usarov Makhamatali Koraboevich

Bimoment theory of the thick anisotropic plates.....56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

УСАРОВ МАҲАМАТАЛИ КОРАБОЕВИЧ

**ҚАЛИН АНИЗОТРОП ПЛАСТИНАЛАРНИНГ БИМОМЕНТЛИ
НАЗАРИЯСИ**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/FM18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (реюзме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.instmech.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рашидов Турсунбай

техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Сафаров Исмоил Иброҳимович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Ахмедов Ақром Бурханович

физика-математика фанлари доктори

Абдиқаримов Рустамхан Алимханович

физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ва Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «3» октябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39, 4 - мажлислар зали. Тел.: (99871) 237-46-68; факс: (99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (38 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39, Тел.: (99871) 237-46-68; факс: (99871) 237-38-79.

Диссертация автореферати 2018 йил «12» сентябр куни тарқатилди.
(2018 йил «12» сентябрдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мирсаидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

Б.А. Худаяров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Р.А. Абиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда учуш аппаратлари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобилларни ишлаб чиқариш ҳамда кўп қаватли бино ва иншоотлар, мураккаб ер ости қувур тизимларини янги технологиялар асосида барпо этиш муҳим ҳисобланади. Сўнгги йилларда кўпгина ривожланган мамлакатларда анъанавий металл конструкциялар ўрнини енгил, мустаҳкам композит материаллардан ясалган анизотроп конструкциялар эгалламоқда. Композит материалларнинг қўлланилиши металл конструкцияларга нисбатан вазнининг 20-40% камайишига, мустаҳкамлигини эса 1,5-2 марта ортишига олиб келади. «Жаҳон миқёсида композит материаллар ишлаб чиқариш бўйича: Хитой - 28%, АҚШ - 22% ва Европа иттифоқи - 14% улушлари билан етакчи давлатлардан ҳисобланади»¹. Шу жиҳатдан конструкциялар пластинасимон элементларининг мустаҳкамлиги ва устуворлигини таъминлаш учун уларнинг фазовий деформацияланиши ва анизотроп хоссаларини ҳисобга олувчи пластиналар назариясини ривожлантириш, ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, конструкция ва иншоотларнинг хизмат қилиш муддатини оширувчи замонавий ресурстежамкор усуллар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда конструкцияларнинг қалин пластинасимон ва стержен кўринишидаги элементларини анизотроп хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳоловчи самарали усулларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан конструкциялар элементларининг мустаҳкамлиги ва устуворлигини таъминлаш мақсадида анизотроп пластиналар назариясини ривожлантириш, конструкция элементлари ва иншоотларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолашнинг самарали усулларини ҳамда ҳисоблаш алгоритм ва дастурларини ишлаб чиқиш каби йўналишлардаги мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга бино ва иншоотларнинг динамик характеристикалари ва ҳолатларини баҳолашнинг ҳисоблаш усуллари, алгоритм ва дастурларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқаришга ҳамда кўп қаватли бино ва иншоотлар, мураккаб кўринишдаги ерости муҳандислик полимер қувурлари системасини лойиҳалаш ва барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан "... миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш учун янги замонавий технологияларни жорий этиш"² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан бино ва иншоотлар, конструкция элементлари материалларининг

¹ <http://www.composites-cis.com/materials/ru/1.pdf>

² 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги" Фармони.

анизотроп хоссаларини ҳисобга олувчи қалин пластиналар назариясини ривожлантириш ва сейсмик мустаҳкамликнинг амалий масалаларини ечишда қўлланиладиган бино ва иншоотларнинг фазовий динамик пластинасимон моделини ишлаб чиқиш, бимоментларни инобатга олган ҳолда қалин пластиналарни ҳисоблашнинг статик ва динамик усуллари, алгоритмлари ва ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 71-сон “Фавқулодда вазиятларни башорат қилиш ва олдини олиш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика, иншоотлар сейсмодинамикаси ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Қалинлиги бўйича кўчишлар тақсимланишининг чизиксиз қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда қалин анизотроп пластиналар назарияси ва ҳисоблаш усуллари тақомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Washington университети, Seattle университети, Blacksburg университети (USA), Paris университети (France), Гюмюшан университети, Трабзон Карадениз техника университети (Туркия), Shanghai университети, Hunan университети (China), Darmstadt механика институти (Germany), Zagreb университети (Croatia), Pusan университети (Korea), Механика муаммолари институти, Москва давлат университети, Санкт-Петербург техника университети, Самара давлат университети (Россия

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, <http://www.mathnet.ru>; <http://msp.org/jomms/about/cover/cover.html>; <http://link.springer.com>; <http://www.sciencedirect.com>; <http://www.dissercat.com/catalog/fiziko-matematicheskie-nauki>; Изв. РАН, МТТ, - 2016, №5, - С.22-35; Изв. РАН, МТТ, -2017, №2, - С.32-45; Двухмерная модель пластины из анизотропного неоднородного материала // Изв. РАН. МТТ. - 2017. - № 2. - С. 32-45; Free axisymmetric vibration of FGM circular plates // Applied Mathematics and Mechanics, - 2009. - Volume 30. - Issue 9, - Pp. 1077-1082; Изгиб двухслойной балки с нежестким контактом между слоями // ПММ. - 2011. Т. 75. Вып. 1.- С. 112-121. Динамическая устойчивость вязкоупругих гибких пластин переменной жесткости при осевом сжатии.//Прикладная механика, - 2014. - №4 (50). - С. 41-51. ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Федерацияси), Белоруссия давлат транспорт университети (Белоруссия), Донецк давлат институти (Украина), Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд давлат университетида (Ўзбекистон) кенг камровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Турли чегаравий шартларда қалин анизотроп пластиналарнинг статик ва динамик кучлар таъсирига ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича дунёда тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: қалин изотроп ва анизотроп пластиналарнинг цилиндрик эгилиши ва тебраниши масалаларининг ечиш усуллари ишлаб чиқилган (Washington университети, Seattle университети, Blacksburg университети, USA, Paris университети, France, Hunan университети, China, Pusan миллий университети, Korea); эластик асосдаги қалин изотроп ва анизотроп пластиналарнинг цилиндрик эгилишдаги кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш сонли усуллари асоснинг кўндаланг силжиш деформацияларини инобатга олиш билан такомиллаштирилган (Гююшан университети, Туркия); вақт ва чегаравий шартларга боғлиқ бўлган қалин пластиналарнинг динамик модели қурилган (Tongji университети, Shanghai университети, China, Darmstadt механика институти, Germany); классик ва аниқлаштирилган пластиналарнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург техника университети, Россия); кўчишларни қаторга ёйиш усули асосида уч қатламли пластиналарнинг ҳисоблаш усуллари ва эгилиш назарияси яратилган (Белоруссия давлат транспорт университети, Белоруссия, Донецк давлат университети, Украина); пластиналарнинг эркин ва мажбурий тебраниши масалаларини ечиш усуллари ишлаб чиқилган (Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон).

Дунёда пластиналарнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатига кўчиш ва кучланишларнинг қалинлик бўйича чизиксиз қонуният асосида ўзгаришининг, материалларнинг анизотроп хоссалари ва чегаравий шартларнинг таъсирини баҳолаш юзасидан самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича, жумладан қуйидаги қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: пластиналар фазовий деформацияланишини тўлиқ ифодаловчи назарияларни деформацияланувчан қаттиқ жисм механикасининг умумий қонунларини қўллаш ҳисобига такомиллаштириш; статик ва динамик кучлар таъсирида изотроп ва ортотроп пластиналарнинг ҳисоблаш усуллари ва дастурларини ишлаб чиқиш; пластина материалининг анизотроп хусусиятлари ва дискрет тузилишининг таъсирини баҳолаш муаммоларини ечишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш; эластик асосда ётган пластиналар ва пластинасимон иншоотлар ва кўп қаватли бино конструкцияларининг сейсмик тебранишларидаги динамик ҳолатини

тўлақонли акс эттирувчи фазовий математик континуал моделларини ишлаб чиқиш усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда қалин пластиналарнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, Y. M. Wan, A. Lebéе, K. Sab, E. Öztekin, K. Ozgan, A. Alshaya, J. Hunt, R. Rowlands, V.Q. Nguyen, R.S. Merifield, R.Q. Wang, H.J. Xu, Y. Ding, Z. Deshun, S. Schreiber, W. Hauger, R.C. Batra, L.F. Qian, L.M. Chen, S. Sayyad, Y.M. Ghugal, Y. Lijun, J. Xueliang, S. Haldar, I. Senjanović, N. Vladimir, D. Seung Cho, A.C. Амбарцумян, В.И. Горбачев, С.В. Шешенин, К.А. Скопцов, А.С. Космодамианский, Д.А. Шляхинларнинг ишларида. Кўп қатламли пластиналарнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати Н.Ф. Морозов, П.Е. Товстик, Э.И. Старовойтовларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Ҳисоблашлар асосан бир нечта соддалаштирувчи гипотезалар асосида қурилган пластиналар назарияси асосида бажарилган.

Маҳаллий олимлардан Т. Бўриев, Т.Ш. Ширинкулов, Р.И. Халмуродов, И.С. Сафаров, Х. Худайназаров, А. Абдусатторов, Р.Ш. Индиаминов, Т. Мавлянов, Б.А. Худаяров, А.Б. Ахмедов, Р.А. Абдикаримовлар пластиналар, панеллар ва қобиклар тебраниши ва мустаҳкамлиги билан боғлиқ бўлган масалалар ва уларнинг ечимлари устида изланишлар олиб борганлар. Ер ости ва усти иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлиги муаммолари билан Т.Р. Рашидов, Г.Х. Хожметов, Б.М. Мардонов, К.С. Султанов, М.М. Мирсаидов, К.Д. Салямова, Б.Э. Хусанов, Т.З. Султанов, Х.С. Сагдиев, Д.Ф. Руми ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Шу билан бирга анизотроп хусусиятга эга бўлган материаллардан тайёрланган қалин пластиналарда содир бўладиган жараёнлар етарли таҳлил қилинмаган, соддалаштирилган гипотезаларни ҳисобга олмаган ҳолда динамик ва статик масалаларни шакллантирувчи пластиналар назарияси ишлаб чиқилмаган. Пластиналарнинг кўндаланг кесимларида нафақат куч ва моментларни, балки бимоментларни ҳам пайдо бўлишига сабабчи бўладиган кўчишлар ва кучланишларнинг чизиксиз тақсимланиш қонунларини ҳисобга олган ҳолда пластиналар назариялари, статик ва динамик масалаларни ечишнинг аналитик ва сонли усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва ривожлантирилмаган. Қалин изотроп ва анизотроп пластиналарнинг кўндаланг кесимларида кучлар, моментлар ва бимоментларни ҳисобга олиш усуллари ҳамда кўчишлар ва кучланишларни аниқлаш формулалари ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ФА-Ф8-Ф089-“Пластина ва қобик кўринишидаги конструкцияларни ҳамда ўзаро таъсирдаги муҳитларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблашнинг назарий асосларини уч ўлчовли эластиклик динамик назарияси доирасида ишлаб чиқиш” (2007-2011), №Ф4-ФА-Ф049-

“Материалларни анизотроп хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қалин деворли пластина ва қобикларни эгилиши ва тебранишининг бимоментли назариясини ишлаб чиқиш” (2012-2016), №Ф.11-12-“Эластик асосли анизотроп пластиналар учун эластиклик назариясининг уч ўлчовли динамик масалалари” (2012-2013), №ФА-А14-Ф022-“Актив сейсмик муҳофаза ва тўлқин жараёнларини ҳисобга олган ҳолда бинони фазовий ҳисоблашнинг эффектив методларини ишлаб чиқиш” (2015-2017) мавзулардаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фазовий кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ва бимоментларни инобатга олиш ҳисобига қалин анизотроп пластиналарнинг назариясини такомиллаштириш ва турли ташқи кучлар таъсирида бўлган конструкция элементлари, бино ва иншоотлар статик ва динамик масалаларини ечиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пластина қалинлиги бўйича кўчишларнинг чизиксиз тақсимланиш қонунияти натижасида пайдо бўлувчи бимоментларни ҳамда деформация ва кучланиш тензорларининг ҳамма компоненталарини ҳисобга олган ҳолда пластиналар назариясини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш;

Фазовий динамик эластиклик назарияси доирасида изотроп ва анизотроп пластиналарни статик ва динамик ҳисоблашнинг математик асосларини ва амалий усулларини ишлаб чиқиш;

сейсмик мустақамликнинг амалий масалаларини ечишда қўлланиладиган биноларнинг фазовий динамик пластинасимон континуал моделини ишлаб чиқиш;

статик ва динамик, шу жумладан сейсмик кучлар таъсиридаги пластина ва иншоотлар динамик характеристикаларини ва кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлашнинг фазовий масалаларини ечиш усулларини ривожлантириш;

эластик асосда ётган қалин пластиналарнинг бимоментларини ҳисобга олган ҳолда статик, динамик ҳисоблаш усулларини, алгоритмларини ва дастурларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қалин пластиналар ва кўп қаватли биноларнинг пластинасимон динамик модели олинган.

Тадқиқотнинг предметини қалин изотроп ва анизотроп пластиналар назарияси ва кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини статик ва динамик ҳисоблаш усуллари ҳамда бино конструкцияларининг бимоментларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган динамик континуал моделлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида эластикликнинг уч ўлчовли динамик назарияси, анизотроп пластиналарни эгилиши ва тебраниши назарияси, математик анализ, математик физика усуллари, сонли усуллар, математик моделлаштириш, алгоритмлаш ва сейсмик тебраниш назариялари усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

қалин анизотроп пластиналар назарияси кўндаланг кесимида кўчишлар тақсимланишининг чизиқсиз қонунлари ва бимоментларни, деформация ва кучланиш тензорларининг ҳамма компонентларини ҳамда пластинанинг сирт чегаравий шартларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

пластиналарнинг кўндаланг силжиши ва сиқилишини ҳисобга олган ҳолда кўндаланг кесимларида ҳосил бўладиган ички кучлари, моментлари ва бимоментларини аниқлаш формулалари ишлаб чиқилган;

қалин анизотроп пластина ўрта текислигининг чўзилиши ва сиқилиши ҳамда қалинлиги бўйича кўндаланг эзилишини ҳисобга олган ҳолда кўндаланг кесимнинг кучлари, моментлари ва бимоментларига нисбатан иккита икки ўлчамли ҳаракат тенгламалар системаси ишлаб чиқилган;

турли кўринишдаги чегаравий шартлар ва ташқи юкламаларда пластинанинг кўчишлари, кучлари, моментлари ва бимоментларини аниқлаш учун динамик ҳисоблаш усуллари, алгоритмлари ва дастурлари ишлаб чиқилган;

пластиналарнинг бимоментли назарияси асосида сейсмик таъсирларда биноларнинг фазовий динамик пластинасимон континуал модели ишлаб чиқилган ҳамда биноларнинг пластинасимон моделининг келтирилган эластиклик модуллари ва зичлигини аниқлайдиган ифодалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагидан иборат:

қалин пластиналар бимоментли назариясининг соддалаштирилган варианты ва пластиналарнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлашнинг статик ва динамик амалий масаларини ечиш усуллари ишлаб чиқилган;

чекли айирмалар усули доирасида бимоментларни ҳисобга олган ҳолда қалин пластиналар динамик ҳолатини баҳолаш ва динамик характеристикалари баҳолаш, ҳамда хавfli кесимларда ва бўйлама ва кўндаланг деворлар туташган жойларда кўчиш ва кучланишларини сейсмик таъсирларда аниқлаш усуллари, алгоритмлари ва дастурлари ишлаб чиқилган;

эластик асосдаги пластиналарнинг кўчишларини, кучланишларини, кучларини, моментлари ва бимоментларини динамик ҳисоблашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган;

сейсмик таъсирлар натижасида кўп қаватли биноларнинг динамик характеристикалари ва динамик ҳолатини баҳолаш ҳамда биноларнинг кўндаланг ва бўйлама деворларининг туташган жойларида ва хавfli кесимларидаги кўчиш ва кучланишларни чекли айирмалар усули асосида ҳисоблаш имконини берувчи усуллари, алгоритм ва дастурлари ишлаб чиқилган.

динамик ва статик кучлар таъсиридаги қалин пластиналар ҳисобига ва сейсмик таъсир остида пластинасимон иншоотлар ҳисобига бимоментли назарияни қўллаш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги эластиклик назарияси, пластиналар назарияси, математик анализ, математик физика курслари усулларини қўллаш ва математик амалларнинг қатъийлиги орқали масалаларнинг тўғри қўйилиши ҳамда пластиналарнинг бимоментли назариясининг ҳисоблаш усуллари ва аниқ ҳисоб усуллари бўйича олинган натижаларни ўзаро солиштириш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қалин анизотроп пластиналар назариясини бимоментларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва ҳисоблаш усулларини кучлар, моментлар ва бимоментларни аниқлаш формулаларини ҳамда уларга нисбатан икки ўлчовли ҳаракат тенгламаларини ишлаб чиқиш пластиналар назариясини ва деформацияланувчан қаттиқ жисмлар механикаси фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биноларнинг пластинасимон фазовий модели, шунингдек пластиналарнинг бимоментли назариясининг ҳисоблаш усуллари, алгоритмлари, дастурлари, статик ва динамик кучлар таъсири остида сейсмик мустаҳкам иншоотлар ва конструкция элементларининг кўндаланг кесимларида кўчишлар тақсимланишининг чизиксиз қонунини ва материалларнинг анизотроп хоссаларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашда параметрларнинг оптимал қийматларини аниқлаш ва баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қалин анизотроп пластиналарнинг бимоментли назарияси бўйича ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари ва дастурлар натижалари асосида:

турли кўринишдаги чегаравий шартлар ва ташқи кучлар учун пластинанинг кўчишлари, кучлари, моментлари ва бимоментларини аниқлайдиган динамик ҳисоблаш усуллари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тизимига кирувчи корхоналарда, хусусан “Фарғона Омад Ишонч Лойиҳа” МЧЖ да “Фарғона вилояти Бешариқ тумани Юқори қишлоқ Янги Ропқон МФЙ 27-сонли мактабни реконструкция қилиш” жараёнида конструкцияларни кучайтириш учун динамик ҳисоб ишларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг жорий қилинганлик ҳақидаги 2018 йил 11 апрелдаги 2579/30-005-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг реконструкция жараёнига қўлланилиши орқали ҳисоблаш ишлари учун сарфланадиган вақтни 1,3 марта қисқартириш ва лойиҳа-ҳисоб ишларининг самарадорлигини 25%га ошириш имконини берган;

пластинасимон иншоотларни ҳисоблашда бимоментли назария асосида ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тизимига кирувчи корхоналарда, хусусан “Бинокор лойиҳа” МЧЖ да «Избоскан туманидаги 26-сонли мактабни реконструкция қилиш (540 ўқув ўринли блоки ва 18x30 м спортзалнинг қўшимча қурилиши)» реконструкция жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг

жорий қилинганлик ҳақидаги 2018 йил 11 апрелдаги 2579/30-005-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг реконструкция жараёнига қўлланилиши орқали ҳисоб ишлари ва меҳнат унумдорлигининг 20%га ҳамда ҳисоб ишлари орқали мустаҳкамлик заҳирасининг ортиши билан иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини 1,25 марта ошириш имконини берган;

эластик асосда ётган қалин пластиналарнинг ҳаракат тенгламалари ва динамик моделларини ишлаб чиқиш усуллари Ф4-ФА-Ф051-“ Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлигининг тўлқин назариясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги (2012-2016 йй.) грант лойиҳасида грунт билан ўзаро таъсирда бўлган ер ости қувурларининг бир ўлчамли ҳаракат тенгламаларини келтириб чиқаришда ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигининг тўлқин назариясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг жорий этилганлик ҳақидаги 2018 йил 17 майдаги 2/1255-1275-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ер ости қувурларининг ҳаракат тенгламаларида сейсмик куч таъсирини тўлақонли акс эттириш ва мураккаб масалаларни юқори аниқлик билан ечиш имконини берган;

қалин пластиналар ва иншоотларнинг кўчишлари ҳамда кучланишларини динамик кучлар таъсирида аниқлашнинг аналитик ифодалари, сонли ҳисоблаш усуллари №Ф4-А14-Ф020-“Грунтли иншоотларни, улардаги тўлқин тарқалиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда, сейсмик мустаҳкамликга ҳисоблашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги (2015-2017 йй.) грант лойиҳасида гидротехник иншоотларни сейсмик кучлар таъсирларига ҳисоблашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг жорий қилинганлик ҳақидаги 2018 йил 17 майдаги 2/1255-1275-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши гидротехник иншоотларнинг кўчиши ва кучланишларини юқори аниқлик билан ҳисоблаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 10 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий техникавий ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 3 та муаллифлик гувоҳномаси, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 195 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қалин анизотроп пластиналар учун эластиклик назариясининг уч ўлчовли масалаларини шакллантириш”** деб номланган биринчи бобида анизотроп пластиналар учун деформацияланишнинг асосий қонун ва муносабатлари ҳамда фазовий динамик масалаларнинг қўйилиши шакллантирилган. Қалин анизотроп пластинанинг ҳаракат тенгламалари сифатида динамик эластиклик назариясининг уч ўлчовли тенгламалари қабул қилинган. Пластинанинг ҳаракатини ёзиш учун x_1 , x_2 ва z ўзгарувчили Декарт координаталар системаси киритилган. Координаталар боши пластинанинг ўрта сиртида жойлашган. OZ ўқи пастга қараб йўналтирилган.

Пластинанинг $z = +h$ ташқи юза сиртига мос равишда координата ўқлари бўйлаб тақсимланган ташқи нормал ва уринма сирт кучлари $q_1^{(+)}$, $q_2^{(+)}$, $q_3^{(+)}$ таъсир қилади деб фараз қилинган. Шунингдек, $z = -h$ ташқи юза сиртига координата ўқлари бўйлаб $q_1^{(-)}$, $q_2^{(-)}$, $q_3^{(-)}$ сирт кучлари қўйилган.

Қалин пластина материали Гукнинг умумлашган қонунига бўйсунадиган уч ўлчовли жисм сифатида қаралган. Пластинанинг ҳаракат тенгламалари сифатида динамик эластиклик назариясининг уч ўлчовли тенгламаларидан фойдаланилган

$$\frac{\partial \sigma_{k1}}{\partial x_1} + \frac{\partial \sigma_{k2}}{\partial x_2} + \frac{\partial \sigma_{k3}}{\partial z} + F_k = \rho \ddot{u}_k \quad (k = 1, 2, 3). \quad (1)$$

Бу ерда ρ – пластина материалининг зичлиги; F_1 , F_2 , F_3 – ҳажмий куч компонентлари.

Пластинанинг $z = -h$ ва $z = h$ юза сиртларида чегаравий шартлар қуйидаги кўринишга эга

$$\sigma_{33} = q_3^{(-)}, \quad \sigma_{31} = q_1^{(-)}, \quad \sigma_{32} = q_2^{(-)}, \quad z = -h \text{ бўлганда}, \quad (2, a)$$

$$\sigma_{33} = q_3^{(+)}, \quad \sigma_{31} = q_1^{(+)}, \quad \sigma_{32} = q_2^{(+)}, \quad z = h \text{ бўлганда}. \quad (2, б)$$

Пластина четларининг турлича маҳкамланган ҳолатлари учун чегаравий шартлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қалин пластиналарни эгилиши ва тебраниши бимоментли назарияси”** деб номланган иккинчи боби (соддалаштирувчи гипотезаларни қабул қилмасдан) уч ўлчовли динамик эластиклик назарияси

доирасида пластиналарнинг бимоментли назариясини ишлаб чиқишга бағишланган.

Пластиналарнинг бимоментли назарияси кучланиш ва деформация тензорларининг ҳамма компонентлари σ_{ij} , ε_{ij} ($i, j = 1, 3$) ни ҳисобга олади ва ҳар бири 9 тадан икки ўлчовли тенгламалар билан ифодаланадиган иккита ўзаро боғланмаган масалалар билан шакллантирилган.

Қалин пластиналарнинг ҳаракат тенгламаларини ишлаб чиқиш учун берилган ташқи кучлардан фойдаланиб умумлашган кучлар қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланган

$$\bar{q}_k = \frac{q_k^{(+)} - q_k^{(-)}}{2}, \quad \tilde{q}_k = \frac{q_k^{(+)} + q_k^{(-)}}{2} \quad (k = 1, 2), \quad \bar{q}_3 = \frac{q_3^{(+)} + q_3^{(-)}}{2}, \quad \tilde{q}_3 = \frac{q_3^{(+)} - q_3^{(-)}}{2}. \quad (3)$$

Иккита масала билан ёзиладиган пластиналарнинг бимоментли назариясини шакллантириш учун умумлаштирилган кинематик функциялар тушунчаси киритилган. Диссертацияда бўйлама, уринма ва кесувчи кучларнинг, эгилувчан ва буровчи моментларнинг ва бимоментларнинг ҳамда умумлашган ҳажмий кучларнинг аниқлаш формулалари ишлаб чиқилган.

Пластиналарнинг бимоментли назариясининг биринчи масаласи қуйидаги муносабатлар билан аниқланадиган 9 та умумлаштирилган функциялар $\bar{\psi}_1$, $\bar{\psi}_2$, $\bar{\beta}_1$, $\bar{\beta}_2$, \bar{u}_1 , \bar{u}_2 , \bar{r} , $\bar{\gamma}$, \bar{W} билан шакллантирилган:

$$\bar{u}_k = \frac{u_k^{(+)} + u_k^{(-)}}{2}, \quad \bar{\psi}_k = \frac{1}{2h} \int_{-h}^h u_k dz, \quad \bar{\beta}_k = \frac{1}{2h^3} \int_{-h}^h u_k z^2 dz \quad (k = 1, 2), \quad (4)$$

$$\bar{W} = \frac{u_3^{(+)} - u_3^{(-)}}{2}, \quad \bar{r} = \frac{1}{2h^2} \int_{-h}^h u_3 z dz, \quad \bar{\gamma} = \frac{1}{2h^4} \int_{-h}^h u_3 z^3 dz. \quad (5)$$

Қалин пластинанинг бўйлама ва тангенциал кучларга нисбатан ҳаракат тенгламаси қуйидаги кўринишда ишлаб чиқилган:

$$\frac{\partial N_{11}}{\partial x_1} + \frac{\partial N_{12}}{\partial x_2} + 2\bar{q}_1 + \bar{F}_1 = \rho H \ddot{\bar{\psi}}_1, \quad \frac{\partial N_{21}}{\partial x_1} + \frac{\partial N_{22}}{\partial x_2} + 2\bar{q}_2 + \bar{F}_2 = \rho H \ddot{\bar{\psi}}_2. \quad (6)$$

Қалин пластинанинг бўйлама, тангенциал ва кўндаланг бимоментларга нисбатан ҳаракат тенгламалари қуйидаги кўринишда ишлаб чиқилган:

$$\frac{\partial T_{11}}{\partial x_1} + \frac{\partial T_{12}}{\partial x_2} - 4\bar{p}_{13} + 2\bar{q}_1 + \bar{G}_1 = \rho H \ddot{\bar{\beta}}_1, \quad (7)$$

$$\frac{\partial T_{12}}{\partial x_1} + \frac{\partial T_{22}}{\partial x_2} - 4\bar{p}_{23} + 2\bar{q}_2 + \bar{G}_2 = \rho H \ddot{\bar{\beta}}_2,$$

$$\frac{\partial \bar{p}_{13}}{\partial x_1} + \frac{\partial \bar{p}_{23}}{\partial x_2} - \frac{2\bar{p}_{33}}{H} + \frac{2\bar{q}_3}{H} + \bar{F}_3 = \rho \ddot{\bar{r}}, \quad (8)$$

$$\frac{\partial \bar{\tau}_{13}}{\partial x_1} + \frac{\partial \bar{\tau}_{23}}{\partial x_2} - \frac{6\bar{\tau}_{33}}{H} + \frac{2\bar{q}_3}{H} + \bar{g}_3 = \rho \ddot{\bar{\gamma}}. \quad (9)$$

Таъкидлаш керакки, ишлаб чиқилган 6 та (6) - (9) тенгламаларда (4), (5) формулалар билан ифодаланган 9 та номаълум функциялар қатнашади. Яна 3 та тенглама етишмайди.

Пластиналар бимоментли назариясининг иккинчи масаласини шакллантириш учун қуйида келтирилган формулалар билан аниқланадиган 9 та номаълум функциялар $\tilde{\psi}_1, \tilde{\psi}_2, \tilde{u}_1, \tilde{u}_2, \tilde{\beta}_1, \tilde{\beta}_2, \tilde{r}, \tilde{\gamma}, \tilde{W}$ киритилган:

$$\tilde{u}_k = \frac{u_k^{(+)} - u_k^{(-)}}{2}, \quad \tilde{\psi}_k = \frac{1}{2h^2} \int_{-h}^h u_k z dz, \quad \tilde{\beta}_k = \frac{1}{2h^4} \int_{-h}^h u_k z^3 dz \quad (k=1,2), \quad (10)$$

$$\tilde{W} = \frac{u_3^{(+)} + u_3^{(-)}}{2}, \quad \tilde{r} = \frac{1}{2h} \int_{-h}^h u_3 dz, \quad \tilde{\gamma} = \frac{1}{2h^3} \int_{-h}^h u_3 z^2 dz. \quad (11)$$

Қалин пластинанинг иккинчи масалани шакллантириш учун кесувчи кучларга, моментларга ва бимоментларга нисбатан ҳаракат тенгламалари ишлаб чиқилган. Пластинанинг эғувчи ва буровчи моментларига ҳамда кесувчи кучларига нисбатан қурилган 3 та тенгламалари қуйидаги кўринишга эга

$$\frac{\partial M_{11}}{\partial x_1} + \frac{\partial M_{12}}{\partial x_2} - Q_{13} + H\tilde{q}_1 + \tilde{F}_1 = \frac{H^2}{2} \rho \ddot{\tilde{\psi}}_1, \quad (12)$$

$$\frac{\partial M_{21}}{\partial x_1} + \frac{\partial M_{22}}{\partial x_2} - Q_{23} + H\tilde{q}_2 + \tilde{F}_2 = \frac{H^2}{2} \rho \ddot{\tilde{\psi}}_2,$$

$$\frac{\partial Q_{13}}{\partial x_1} + \frac{\partial Q_{23}}{\partial x_2} + 2\tilde{q}_3 + \tilde{F}_3 = \rho H \ddot{\tilde{r}}. \quad (13)$$

Қалин пластинанинг эғувчи, буровчи ва кўндаланг тангенциал бимоментларига нисбатан қурилган 3 та ҳаракат тенгламалари қуйидаги кўринишга эга

$$\frac{\partial P_{11}}{\partial x_1} + \frac{\partial P_{12}}{\partial x_2} - 3H\tilde{p}_{13} + H\tilde{q}_1 + \tilde{G}_1 = \frac{H^2}{2} \rho \ddot{\tilde{\beta}}_1, \quad (14)$$

$$\frac{\partial P_{21}}{\partial x_1} + \frac{\partial P_{22}}{\partial x_2} - 3H\tilde{p}_{23} + H\tilde{q}_2 + \tilde{G}_2 = \frac{H^2}{2} \rho \ddot{\tilde{\beta}}_2,$$

$$H \frac{\partial \tilde{p}_{13}}{\partial x_1} + H \frac{\partial \tilde{p}_{23}}{\partial x_2} - 4\tilde{p}_{33} + 2\tilde{q}_3 + \tilde{g}_3 = H\rho \ddot{\tilde{\gamma}}. \quad (15)$$

Иккинчи масалада ҳам ишлаб чиқилган 6 та (12) - (15) тенгламаларда (10), (11) формулалар билан ифодаланган 9 та номаълум функциялар қатнашади. Бу ерда ҳам 3 та тенглама етишмайди.

Демак, биринчи ва иккинчи масалаларда 3 тадан, ҳаммаси бўлиб 6 та тенглама етишмас экан. Ушбу етишмайдиган тенгламаларни ишлаб чиқиш учун кўчишларни қаторга ёйиш усулидан фойдаланилган.

Кўчиш вектори компонентларини Маклорен қаторига қуйидагича ёйиб чиқилган:

$$u_k = B_0^{(k)} + B_1^{(k)} \frac{z}{h} + B_2^{(k)} \left(\frac{z}{h}\right)^2 + B_3^{(k)} \left(\frac{z}{h}\right)^3 + \dots + B_m^{(k)} \left(\frac{z}{h}\right)^m + \dots \quad (k=1,2), \quad (16, a)$$

$$u_3 = A_0 + A_1 \frac{z}{h} + A_2 \left(\frac{z}{h}\right)^2 + A_3 \left(\frac{z}{h}\right)^3 + \dots + A_m \left(\frac{z}{h}\right)^m + \dots \quad (16, б)$$

Бу ерда $B_m^{(k)}$, A_m – иккита координата ва вақтнинг номаълум функциялари:

$$B_m^{(k)} = B_m^{(k)}(x_1, x_2, t) = \frac{h^i}{m!} \left(\frac{\partial^m u_k}{\partial z^m} \right)_{z=0} \quad (k=1,2), \quad A_m = A_m(x_1, x_2, t) = \frac{h^m}{m!} \left(\frac{\partial^m u_3}{\partial z^m} \right). \quad (17)$$

Кўчишларнинг (16) кўринишда қаторга ёйилишига асосан деформация ва кучланиш тензорларининг компонентлари ҳам худди шундай Маклорен қаторига ёйилган:

$$\varepsilon_{ij} = \varepsilon_{ij}^{(0)} + \varepsilon_{ij}^{(1)} \frac{z}{h} + \varepsilon_{ij}^{(2)} \left(\frac{z}{h}\right)^2 + \varepsilon_{ij}^{(3)} \left(\frac{z}{h}\right)^3 + \dots + \varepsilon_{ij}^{(m)} \left(\frac{z}{h}\right)^m + \dots \quad (i, j=1,3), \quad (18)$$

$$\sigma_{ij} = \sigma_{ij}^{(0)} + \sigma_{ij}^{(1)} \frac{z}{h} + \sigma_{ij}^{(2)} \left(\frac{z}{h}\right)^2 + \sigma_{ij}^{(3)} \left(\frac{z}{h}\right)^3 + \dots + \sigma_{ij}^{(m)} \left(\frac{z}{h}\right)^m + \dots \quad (i, j=1,3),$$

бу ерда қаторларнинг коэффициентлари қуйидагича аниқланган:

$$\varepsilon_{ij}^{(m)} = \varepsilon_{ij}^{(m)}(x_1, x_2, t) = \frac{h^m}{m!} \left(\frac{\partial^m \varepsilon_{ij}}{\partial z^m} \right)_{z=0} \quad (m=1,2,3,\dots),$$

$$\sigma_{ij}^{(m)} = \sigma_{ij}^{(m)}(x_1, x_2, t) = \frac{h^m}{m!} \left(\frac{\partial^m \sigma_{ij}}{\partial z^m} \right)_{z=0} \quad (m=1,2,3,\dots).$$

Кўчишларнинг (16) кўринишдаги ёйилмаларига асосан (2) шарт ва (4), (5) муносабатлардан фойдаланиб, умумлашган номаълум функцияларга нисбатан қуйидаги кўринишдаги 3 та тақрибий тенгламалар ишлаб чиқилган:

$$\bar{u}_k = \frac{1}{4} (21\bar{\beta}_k - 3\bar{\psi}_k) - \frac{1}{20} H \frac{\partial \bar{W}}{\partial x_k} + \frac{1}{20} \frac{H\bar{q}_k}{G_{k3}} \quad (k=1,2), \quad (19, a)$$

$$\bar{W} = \frac{1}{2} (21\bar{\gamma} - 7\bar{r}) - \frac{1}{30} H \left(\frac{E_{31}}{E_{33}} \frac{\partial \bar{u}_1}{\partial x_1} + \frac{E_{32}}{E_{33}} \frac{\partial \bar{u}_2}{\partial x_2} \right) + \frac{H\bar{q}_3}{30E_{33}}. \quad (19, б)$$

Кўчишларнинг (16) кўринишдаги ёйилмаларига асосан (2) шарт ва (10), (11) муносабатлардан фойдаланиб, умумлашган номаълум функцияларга нисбатан яна 3 та тақрибий тенгламалар ишлаб чиқилган:

$$\tilde{u}_k = \frac{1}{2} (21\tilde{\beta}_k - 7\tilde{\psi}_k) - \frac{1}{30} H \frac{\partial \tilde{W}}{\partial x_k} + \frac{1}{30} \frac{H\tilde{q}_k}{G_{k3}} \quad (k=1,2), \quad (20, a)$$

$$\tilde{W} = \frac{1}{4} (21\tilde{\gamma} - 3\tilde{r}) - \frac{1}{20} H \left(\frac{E_{31}}{E_{33}} \frac{\partial \tilde{u}_1}{\partial x_1} + \frac{E_{32}}{E_{33}} \frac{\partial \tilde{u}_2}{\partial x_2} \right) + \frac{H\tilde{q}_3}{20E_{33}}. \quad (20, б)$$

Бу ифодаларнинг аниқлигини баҳолаш учун қуйидаги теоремалар келтирилган.

Теорема 1. Тақрибий тенгламалар (19, а) и (20, б) пластинанинг кичик параметри $\frac{H}{10a}$ га нисбатан тўртинчи тартибли аниқликка эга.

Теорема 2. Тақрибий тенгламалар (19, б) и (20, а) пластинанинг кичик параметри $\frac{H}{10a}$ га нисбатан олтинчи тартибли аниқликка эга.

Тақрибий қурилган тенгламаларга (19) ва (20) чегаравий шартлар ёзиш учун (16) қаторлар ва пластинанинг юза сиртларида ёзилган шартлар (2) ва Гук қонуни асосида $\bar{\sigma}_{11}^*$, $\bar{\sigma}_{22}^*$ и $\tilde{\sigma}_{11}^*$, $\tilde{\sigma}_{22}^*$ бимоментлар интенсивлиги ифодалари қурилган.

Диссертациянинг 3, 4, 5 ва 6 боблари қалин изотроп ва ортотроп пластиналарни ҳисоблашга бағишланган. Изотроп пластиналарни ҳисоблашда Пуассон коэффициенти берилади: $\nu = 0.3$. Ортотроп материал сифатида СВМ 15:1 қабул қилинган бўлиб, унинг эластиклик ва силжишдаги модуллари қуйидагича аниқланган:

$E_1 = 4.6E_0$, $E_2 = 1.6E_0$, $E_3 = 1.12E_0$, $G_{12} = 0.56E_0$, $G_{13} = 0.33E_0$, $G_{23} = 0.43E_0$, бу ерда $E_0 = 10^4 \text{ МПа}$, Пуассон коэффициенти $\nu_{21} = 0.27$, $\nu_{23} = 0.3$, $\nu_{31} = 0.07$.

Диссертациянинг учинчи **“Шарнирли маҳкамланган қалин пластинани қаторга ёйиш усули билан ҳисоблаш”** бобида қалин пластинанинг ташқи юза сиртлари бўйлаб тақсимланган куч таъсирида эгилиши масалалари қаралган. Масалаларни ечишда пластиналарнинг бимоментли назариясини қўллашдан олдин Маклорен қаторига ёйиш усули билан қурилган ечимлар келтирилган. Мувозанат тенгламалари Маклорен қаторининг коэффицентларига нисбатан тузилган.

Мисол сифатида пластина ташқи сирти $z = -h$ бўйлаб қуйидаги кўринишда берилган кўндаланг синусоидал куч:

$$q_3^{(-)} = -q_0 \sin \frac{\pi x_1}{a} \sin \frac{\pi x_2}{b}, \text{ бу ерда } q_0 \text{ - ташқи куч,} \quad (21)$$

берилган.

Пластинанинг четлари шарнирли маҳкамланган ҳол учун пластина эгилиши масаласининг аналитик ечими тригонометрик функцияларда қурилган. Кўчиш ва кучланишларнинг максимал сонли натижалари ҳисоблаб топилган. Пластинанинг максимал кўчишлари ва кучланишлари (16) қаторларнинг саккизтадан ҳадларини ҳисобга олганда қуйидаги кўринишда топилган:

$$\begin{aligned} u_1^{(-)} = u_2^{(-)} = 1.1321 H q_0 / E_0, \quad u_3^{(-)} = 3.5927 H q_0 / E_0, \\ \sigma_{12}^{(-)} = 0.9119 q_0, \quad \sigma_{11}^{(-)} = 2.1222 q_0, \quad \sigma_{13}^{(0)} = 0.7015 q_0. \end{aligned} \quad (22)$$

Б.Ф. Власов томонидан изотроп квадрат пластиналар учун кўрилатган масаланинг аниқ ечими олинган:

$$u_3^{(0)} = A_0 = 3.492 H q_0 / E_0, \quad \sigma_{11}^{(-)} = 2.124 q_0, \quad \sigma_{13}^{(0)} = 0.702 q_0. \quad (23)$$

Сонли натижаларнинг (22) ва (23) кўринишларини солиштириш асосида қониқарли сонли натижаларни Маклорен қаторларининг саккизтадан ҳадларини ҳисобга олган ҳолда олиш мумкинлиги кўрсатилган.

Сонли натижалар ортотроп пластиналар учун ҳам олинган. Маклорен қаторлари (16) нинг ҳар бирида саккизтадан ҳадни ҳисобга олган ҳолда ортотроп пластинанинг максимал кўчиш ва кучланишлари топилган:

$$\begin{aligned} u_1^{(-)} &= 0.5232 Hq_0 / E_0, & u_2^{(-)} &= 0.7116 Hq_0 / E_0, & u_3^{(-)} &= 2.6284 Hq_0 / E_0, \\ \sigma_{12}^{(-)} &= 0.72419q_0, & \sigma_{13}^{(0)} &= 0.6952q_0, & \sigma_{11}^{(-)} &= -2.9219q_0. \end{aligned} \quad (24)$$

Диссертациянинг **“Бимоментли назария асосида четлари шарнирли маҳкамланган ортотроп пластиналарни ҳисоблаш”** деб номланган тўртинчи бобида шарнирли маҳкамланган қалин пластинанинг (21) формула билан берилган ташқи юклама таъсирида эгилиши масаласи кўчишларга нисбатан ёзилган ҳаракат тенгламаларининг аналитик ечими тригонометрик функциялар ёрдамида қурилган. Қалин пластинанинг ҳар хил ўлчамлари учун кўчишлар ва кучланишлар ҳисоби келтирилган. Ўлчамлари $a = b = 3H$ бўлган квадрат пластиналар учун олинган сонли натижалар келтирилган. Пластинанинг ўрта текислигида уринма кучланишларнинг максимал қийматлари $\sigma_{13}^{(0)} = \sigma_{23}^{(0)} = 0.7023q_0$ га ва нормал кўчишнинг максимал қиймати $u_3^{(0)} = 3.4905Hq_0 / E_0$ га тенг бўлган. Пластинанинг юклама қўйилган ташқи қатлами $z = -h$ да нормал кучланиш қиймати эса ҳисоблашларга кўра $\sigma_{11}^{(-)} = -2.1241q_0$ га тенг бўлган. Таъкидлаш керакки, ушбу келтирилган сонли натижалар Б.Ф. Власов томонидан олинган (23) кўринишидаги аниқ қийматлар билан мос тушади. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича бимоментли назария бўйича квадрат пластиналарнинг ($a = b$) уч хил ўлчамлари учун олинган сонли натижалар аниқ ҳисоблаш натижалари билан мос тушган.

Шунингдек, ушбу бобда шарнирли маҳкамланган қалин пластина ташқи юзаси $z = -h$ бўйлаб Хевисайд функцияси кўринишида синусоидал қонун бўйича тақсимланган динамик юклама:


$$q_3^{(-)} = \begin{cases} 0, & t \leq 0 \text{ да;} \\ -q_0 \sin \frac{\pi x_1}{a} \sin \frac{\pi x_2}{b}, & t > 0 \text{ да,} \end{cases} \quad (25)$$

таъсиридаги ҳисоблаш сонли натижалари келтирилган (бу ерда, q_0 —ташқи куч параметри).

Ўлчамлари $a = b = 3H$ бўлган пластина учун ҳисоблаш сонли натижалари келтирилган. Пластинанинг ташқи юза сиртлари $z = -h$ ва $z = +h$ да кўчиш ва кучланишларнинг ўлчамсиз қийматларининг ўлчамсиз вақт t бўйича ўзгариш графиклари қурилган. Пластинанинг ташқи юзалари нормал кўчишларининг максимал ўлчамсиз қийматлари пластинанинг марказий нуқталарида аниқланган ва $u_3^{(-)} = 5.402$, $u_3^{(+)} = 5.022$ га тенглиги графиклардан топилган. Пластинанинг ташқи юзаларидаги нормал кўчишларининг қийматлари бир-биридан сезиларли фарқ қилиши

тасдиқланган.

1-расмда пластина марказий нуқталарида ташқи қатламлари $z = -h$ ва $z = +h$ да кучланишларнинг максимал қийматлари мос равишда $\sigma_{11}^{(-)} = -7.077q_0$, $\sigma_{11}^{(+)} = 6.584q_0$ га тенглиги аниқланган.



1-расм. Ортотроп пластина юза сирти $z = -h$ ва $z = +h$ даги $\sigma_{11}^{(+)}$ (а), $\sigma_{11}^{(-)}$ (б) кучланишлар ўлчамсиз қийматларининг вақт бўйича ўзгариш графиклари

Ушбу бобда Тимошенко назариясига кўра нормал кучланишлар қийматлари, $\sigma_{11}^{(-)} = -\sigma_{11}^{(+)} = 5.134q_0$ ва $\sigma_{22}^{(-)} = -\sigma_{22}^{(+)} = -3.291q_0$ га тенглиги аниқланган. Кўриниб турибдики, ташқи қатламларда нормал кучланишларнинг бимоментли назария бўйича топилган қийматлари Тимошенко назарияси бўйича топилган қийматларидан 30-40%га катта.

Ушбу бобда бимоментли назария ва Тимошенко назарияси бўйича H/a муносабатнинг учта қиймати учун олинган ортотроп пластиналарнинг кинематик функциялари ва кучланишларининг ҳисобланган сонли натижалари жадвал кўринишида келтирилган. Ҳисоблашлар Тимошенко назарияси бўйича олинган кучланишларнинг сонли қийматлари пластиналарнинг бимоментли назарияси бўйича олинган сонли қийматларидан анча кичик бўлишини кўрсатган. Квадрат пластиналар ($a = b$) учун, H/a муносабатнинг қийматини камайиши билан иккала назария бўйича олинган кўчишлар, кучланишлар, моментлар ва кучларнинг сонли қийматлари бир-бирига яқинлашади.

Диссертациянинг 5 ва 6 бобларида турли чегаравий шартларда динамик юкламалар остидаги қалин пластиналар тебранишларининг динамик ностационар масалалари кўрилган. Масалалар чекли айирмалар усули билан ечилган. Ҳаракат тенгламаларида қатнашган кучланишлар, кучлар, моментлар ва бимоментлардан олинган ҳосилаларни аппроксимация қилиш учун иккинчи тартибли аниқликка эга бўлган, ярим қадамли марказий чекли-айирмалар схемаси қўлланилган. Вақтнинг $t = 0$ қийматида масаланинг бошланғич шартлари сифатида пластина нуқталарининг кўчиш ва тезликлари нолга тенг деб қабул қилинган.

Ҳисоблар бажаришда қуйидагича ўлчамсиз катталиклар киритилган:

$$x = \frac{x_1}{a}, \quad y = \frac{x_2}{b}, \quad \tau = \frac{ct}{a}. \quad \text{Бу ерда } c = \sqrt{\frac{E_0}{\rho}}.$$

Ўлчамсиз координаталар ва вақт бўйича ҳисоблаш қадамлари қуйидаги кўринишда олинган:

$$\Delta x = \frac{1}{N}, \quad \Delta y = \frac{1}{M}, \quad \Delta \tau = k \frac{a}{H} \Delta x, \quad k < 1, \quad M \leq N. \quad (26)$$

Пластиналар учун масалалар ечишда $N = M = 60$, $\Delta \tau = 0.01$ қабул қилинган.


Диссертациянинг **“Томонлари ҳар хил маҳкамланган қалин пластиналарнинг мажбурий тебранишлари”** деб номланган бешинчи боби ҳар хил чегаравий шартларда қалин изотроп ва ортотроп пластиналарнинг тебраниши ҳақидаги динамик масалаларга бағишланган.

Ушбу бобда қалин пластиналарнинг ташқи юзаси $z = -h$ бўйлаб бир текисда тақсимланган oz ўқи йўналишида Хевисайд функцияси кўринишида сирт нормал юклама

$$q_3^{(-)} = \begin{cases} 0, & t \leq 0 \text{ да;} \\ -q_0, & t > 0 \text{ да,} \end{cases} \quad \text{бу ерда, } q_0 - \text{ куч параметри,} \quad (27)$$

қўйилган деб фараз қилиниб, ҳар хил чегаравий шартлар учун мажбурий тебранишлар масаласи кўриб чиқилган.

Консол пластина тебранишига оид масала ечимининг сонли натижалари таҳлили келтирилган. Пластинанинг $x_2 = 0$ чегараси қистириб маҳкамланган деб олиниб, чегаравий шарт сифатида кўчишларнинг қийматлари нолга тенг ва қолган $x_1 = 0$, $x_1 = a$, $x_2 = b$ томонлари эркин деб қаралган. Қистириб маҳкамланган чегарада кўчишлар нолга тенг. Қолган эркин томонларда эса кучлар, моментлар ва бимоментлар нолга тенг. Сонли натижалар сифатида ортотроп пластиналар ташқи юзаларидаги кучланиш қийматларининг ўзгариш қонунлари графиклар кўринишида келтирилган.



2-расм. Ортотроп пластина юза сирти $z = -h$ ва $z = +h$ даги $\sigma_{22}^{(+)}$ (а), $\sigma_{22}^{(-)}$ (б) кучланишлар ўлчамсиз қийматларининг вақт бўйича ўзгариш графиклари

Нормал кучланишлар $\sigma_{22}^{(+)}$, $\sigma_{22}^{(-)}$ максимал қийматларига ортотроп пластина маҳкамланган томонининг ўртасидаги нуқта ($x_1 = a/2$, $x_2 = 0$) да эришган. Уларнинг максимал қийматлари $\sigma_{22}^{(+)} = -86.681q_0$ (2, a - расм) ва $\sigma_{22}^{(-)} = 90.919q_0$ (2, b - расм) га тенг.

Ортотроп пластина $\sigma_{11}^{(+)}$, $\sigma_{11}^{(-)}$ кучланишлари максимал қийматларига маҳкамланган томонининг ўртаси ($x_1 = a/2$, $x_2 = 0$) да эришади ва бу максимал қийматлар $\sigma_{11}^{(+)} = -23.599q_0$ ва $\sigma_{11}^{(-)} = 24.278q_0$ ни ташкил этган.

Масалани Тимошенко назарияси бўйича ечилганда ортотроп пластиналар учун максимал кучланишлар $\sigma_{11} = -14.125q_0$, $\sigma_{22} = -52.485q_0$ га тенг бўлган. Натижаларни солиштириш асосида, Тимошенко назарияси бўйича кучланишларнинг сонли қийматлари пластинанинг бимоментли назарияси бўйича олинган қийматларидан тахминан 38%га кичик бўлиши кўрсатилган.

Ушбу бобда ҳамма томонлари қистириб маҳкамланган пластиналарнинг (27) кўринишдаги ташқи юклама таъсирида содир бўладиган мажбурий тебранишлар масаласи кўриб чиқилган. Масала чекли айирмалар усули билан ечилган.

Квадрат изотроп пластина учун H/a муносабат қийматининг тўртта варианты учун бимоментли назария ва Тимошенко назарияси бўйича ҳисобланган сонли натижалар жадвал кўринишида келтирилган.

Пластинанинг ташқи $z = -h$ ва $z = +h$ қатламлари кучланишларининг максимал қийматлари пластинанинг маҳкамланган томони ўртасида аниқланган.

Ўлчамлари $a = b = 3H$ бўлган пластинанинг максимал кучланишлари мос равишда $\sigma_{11}^{(-)} = 15.106q_0$, $\sigma_{11}^{(+)} = -12.352q_0$ га тенг. Пластинанинг ташқи қатламлари кучланишлари $\sigma_{11}^{(-)}$ ва $\sigma_{11}^{(+)}$ нинг қийматлари ўзаро 22%га фарқ қилади.

Тимошенко назарияси бўйича нормал кучланишлар қиймати $\sigma_{11}^{(-)} = -\sigma_{11}^{(+)} = 5.295q_0$ га тенг. Бимоментли назария бўйича олинган σ_{11} кучланишнинг максимал қиймати Тимошенко назарияси бўйича олинган максимал қийматидан 2,85 марта катта. Ҳисоблашлар асосида квадрат пластина учун, H/a муносабат қиймати камайиши билан иккала назария бўйича олинган кўчишлар, кучланишлар, моментлар ва кучларнинг сон қийматлари бир-бирига яқинлашиши кўрсатилган.

Бобда соддалаштирилган бимоментли назария доирасида четлари қистириб маҳкамланган пластиналарнинг эгилиши ва тебраниши масалалари чекли айирмалар усули билан ечилган. Статик ва динамик даврий ташқи кучлар таъсири остидаги қистириб маҳкамланган пластинанинг умумлаштирилган кўчишлари, кучлари ва моментлари учун сонли натижалар олинган. Томонлари қистириб маҳкамланган 3 хил ўлчамлари учун хусусий частоталар топилган. Ташқи юклама частотасининг кўчишлари, кучлари ва

моментларининг қийматларига таъсири баҳоланган. Ташқи юклама частотасининг қиймати ошиши билан пластинанинг резонанс ҳолатига ўтиши кўрсатилган.

Диссертациянинг “**Пластиналарнинг бимоментли назариясини амалий масалаларга қўллаш**” деб номланган олтинчи бобида эластик асосда жойлашган пластинанинг $z = -h$ ташқи юзасига қўйилган, Хевисайд функцияси кўринишидаги ташқи динамик куч (27) таъсиридаги эгилиши ва тебраниши динамик масалалари кўрилган. Бимоментли назарияни қўллаш асосида қўп қаватли биноларнинг континуал динамик модели ишлаб чиқилган ва биноларнинг сейсмик мустаҳкамлиги масалаларига қўлланилган.

